

Ўз айбини билиш йўллари

05:00 / 28.02.2017 4377

Аллоҳ таоло бандасига яхшиликни раво кўрса, уни ўз айбини ўзи кўрадиган қилиб қўяди. Айбни кўргандан кейин уни тўғрилаш осон бўлади. Ўз айбини ўзи аниқлашнинг тўрт йўли бор:

1. Кишиларнинг айбларини яхши биладиган шайх ҳузурда таълим олиш. Мазкур шайх айбларни ва уларнинг давосини васф қилиб беради.

2. Диндор, мухлис ва садоқатли дўст топиш.

У кузатиб бориб камчиликларни топади ва хабарини беради. Катта имомлар ва улуғлар шу ишни қилганлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Айбларимни менга ҳадия қилган кишини Аллоҳ раҳм қилсин», дер эди.

У киши Салмон розияллоҳу анҳудан ўз айби ҳақида сўрар эди. Бир куни унинг олдига келганида: «Мендан сенга ўзингга ёқмайдиган нима етди?» деди.

У айтишдан бош тортди. Умар қаттиқ туриб олди.

Шунда: «Менга етиб келган хабарга қараганда, бир дастурхонда икки хил хўрак ермишсан. Икки сирда кийим қилиб олиб, бирини кундузи, иккинчисини кечаси кийярмишсан», деди.

«Бундан бошқа нарса етмадими?» деди.

«Йўқ», деди Салмон.

«Иккисини тўғриланди ҳисоблайвер», деди Умар.

Умар ибн Хаттоб Ҳузайфадан ҳам доимо: «Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мунофиқлар ҳақидаги сирлари соҳибсан. Менда мунофиқликнинг белгиларидан кўрасанми?» деб сўраб юрарди.

3. Ўз айбларини билиш учун душманлардан фойдаланиш.

Душманнинг кўзи энг кичик айбларни ҳам кўради. Гоҳида киши доим мақтаб юрадиган дўстларидан кўра ўзининг тирноқнинг остидан кир

ахтарадиган душманидан кўп фойда олиши мумкин. Дўст аяса ҳам, душман аямай гапиради. Шунинг учун душманнинг ҳар бир гапини ҳасадга йўявермаслик керак. Яхшилаб таҳлил қилиб ундан ўзига фойда олишга ҳаракатда бўлиш лозим.

4. Одамларга аралашиб, улар ёмон кўрган нарсалардан ҳазар қилсин.

Мўмин мўминнинг ойнасидир. Бошқаларга қараб ўзининг айбини топиб олиш қийин эмас.

ФАСЛ

Нафснинг шаҳватлари фақат ёмонликдан иборат эмас. Улардан фойда ҳам бор. Таом шаҳвати бўлмаса, ғизо тановул қилинмас эди. Жинсий шаҳват бўлмаса, насл қирқилар эди. Шаҳватларнинг ортиқчаси ва туғёнга кетиш қораланади.

Баъзи кишилар мана шу ўлчовни фаҳламасдан, нафс хоҳлайдиган барча нарсани тарк қилишга ўтадилар. Бу нафснинг ҳақини поймол қилишдан иборат бўлган зулмдир.

Нафснинг ҳам ҳақи бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «нафсининг сенда ҳақи бор», деганлар. Ҳалиги нафсга зулм қиладиган қавмлардан баъзиси, бунча йилдан бери нафсим талаб қилса ҳам фалон нарсани тановул қилмайман, дейди. Бу ҳалолдан бурилиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига хилоф қилишдир. У зот иштаҳа тортадиган ширинлик, асал ва бошқа нарсаларни тановул қилар эдилар. Илми озлигидан нафсига иштаҳа тортган нарсани тамомила ҳаром қилган зоҳидга эътибор берилмайди. У адолатдан кўра зулмга яқинроқдир.

Иштаҳа тортадиган нарсага етишиш қийин бўлганда уни тарк қилинса, ҳечқиси йўқ. Мисол учун, уни топиш учун макруҳ йўлга кириш зарур бўладиган ёки уни тановул қилганда бўшашиб кетиб нафс доимий равишда тамаъ қиладиган бўлиш хавфи бўладиган ҳолатлар.